

I. Иброҳим ва Мусо алайҳимассаломнинг саҳифалари.

Иброҳим ва Мусо алайҳимассаломга туширилган ваҳийлар тўплами «саҳифалар» дейилган, уламоларимизнинг айтишларича, улар маълум варақлар бўлиб, китоб даражасига етмаган.

Аллоҳ таоло Аълаа сурасида хабар бериб:

سُوْمُوْ مِمْهَ اَرْبِ اِ فُحْصَى لْ وَا لْ اِ فُحْصَى لْ اِ ي فَا لْ اَدَهٗ نَا

«Албатта, бу аввалги саҳифаларда бордир. Иброҳим ва Мусо саҳифаларидадир», деган (18-19-оятлар).

Яъни Қуръондан аввал туширилган илоҳий китобларда ҳам мазкур маъно мавжуд.

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган узун ҳадисда жумладан, шундай дейилади:

«...Эй Аллоҳнинг Расули, Сизга Аллоҳ Иброҳим ва Мусонинг саҳифаларидаги нарсдан ҳам бирор нарса туширдими?» деб сўрадим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Абу Зарр, «...Инна ҳаза лафис суҳуфил уула, суҳуфи Иброҳийма ва Муса»ни ўқи», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, Иброҳимнинг саҳифаларида нима бўлган?» дедим.

«Барчаси зарбулмасал бўлган... Оқил киши замонини таниган бўлмоғи, тилини тиймоғи шарт. Кимки каломини амалидан ҳисобласа, каломи оз бўлади», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, Мусонинг саҳифаларида нималар бўлган?» деб сўрадим.

«Ҳаммаси ибрат бўлган, қазои қадарга ишониб туриб, ғазабланган одамдан, охиратда ҳисоб-китоб бўлишини билиб туриб, амал қилмаган одамдан ажабланаман», дедилар».

Мўмин-мусулмон одам Аллоҳ таоло Иброҳим ва Мусо алайҳимуссаломга саҳифалар нозил қилганига жазм ила иймон келтириши лозим.

II. Забур.

Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссаломга Забурни нозил қилган. «Забур»нинг луғавий маъноси – «мактуб», яъни «ёзилган» деганидир.

يَدَابِعَ اٰهٖ ثَوْرِيْ ضَرَّ اَلَا نَا رُكُّدَلَا دُعَب ن م رُوْبُّ زَلَا ي ف ا ن بَتَكَ دَقَلَو
نُوْحَلْ اَصْلَا

«Батаҳқиқ, Зикрдан сўнг Забурда ҳам: «Албатта, ерга солиҳ бандаларим меросхўр бўлурлар», деб ёзган эдик» (Анбиё сураси, 105-

«Биз Тавротни нозил қилдик. Унда ҳидоят ва нур бор», деган (44-оят).

Тавротни ҳам илоҳий китоб сифатида Аллоҳ таоло нозил қилган. Унда одамларга ҳидоят ва икки дунё саодати йўлини кўрсатувчи нур бор. Унга амал қилувчилар ақийда, ибодат бобидаги ҳидоят ва йўл-йўриқларни ўша Тавротдан оладилар. Шу билан бирга, Таврот фақат ахлоқ-одоб ва баъзи диний маросимларнинг мажмуаси эмас. Унда кишилар ҳаётини бошқариб турувчи таълимотлар, ҳукмлар бор.

Аммо ушбу оятда зикр қилинган Таврот йўқолган. Унинг қаердалигини ҳеч ким билмайди.

Ҳозирда яҳудийларнинг қўлида бор нарса «Эски аҳд» деб номланади. У эса тўқсон тўққизта сифрдан иборат. У уч қисмга: «Таврот», «Анбиё» ва «Китоблар»га бўлинади.

«Таврот» Мусо алайҳиссаломнинг беш китобидир. Улар: «Таквийн», «Хуруж», «Ловюун», «Адад» ва «Тасния»лар.

«Анбиё» икки қисмга бўлинади: «Аввалгилар» ва «Охиргилар».

«Китоблар»: «Мазомийр», «Амсол», «Айюб» ва бошқалардан иборат.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида яҳудийлар томонидан илоҳий калом бузилганлиги ҳақидаги хабарини бериб қўйган:

لَلَّذِينَ كَفَرُوا نُورًا سَيُؤْتُونَ قُرْآنًا كَذِبًا وَأُولَئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ
نُورًا سَيُؤْتُونَ قُرْآنًا كَذِبًا وَأُولَئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ

«Сиз сабабли иймон келтиришларини тама қиласизларми? Ҳолбуки, улардан бир гуруҳи Аллоҳнинг каломини эшитар, сўнгра, уни англаганларидан кейин билиб туриб, ўзгартирар эдилар» (75-оят).

Бу ояти каримада мусулмонларга қилинаётган хитоб ўша пайтда баъзи ихлосли мўминларнинг, яҳудийлар иймонга келиб қолсалар керак, деган орзуда бўлганларини кўрсатади. Албатта, уларнинг бундай тама қилишларига асос бор эди. Улар билан Мадинада бирга яшаб келаётган яҳудийлар, илоҳий китобга эга халқ сифатида, яқинда охирзамон Пайғамбари чиқиши, улар ул Пайғамбарга биринчи бўлиб иймон келтиришлари ҳақида тинмай гапирар эдилар. Арабларнинг кўплари яҳудийлардан васфини эшитган Пайғамбар – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни кўришлари билан иймонга келдилар. Энди эса яҳудийларнинг ўзлари ҳам иймонга келишини тама қилишаётган эди. Аллоҳ таоло оятнинг аввалида уларнинг мазкур ҳолатларини васф этиб:

«Сиз сабабли иймон келтиришларини тама қиласизларми?» демоқда.

Яъни «Эй мусулмонлар, сизлар, яҳудийларнинг иймон келтириб, мўмин-мусулмон бўлишларидан умидвор бўляпсизларми?»

Агар ҳақиқатан ҳам сизларда шундай умидворлик бўлса, билиб қўйингки, иш сиз ўйлагандек эмас, ҳол бошқача.

«Ҳолбуки, улардан бир гуруҳи Аллоҳнинг каломини эшитар, сўнгра, уни англаганларидан кейин билиб туриб, ўзгартирар эдилар».

Бундай одамларнинг иймон келтиришларига умид қилиб бўлмайди. Чунки иймон ўзига яраша поклик, мусаффолик, нурни қабул қилиб олишга истеъдодни талаб қилади. Аммо яҳудийларда бу нарсага яқинлик ҳеч сезилмаяпти. Уларнинг энг яхши вакиллари бўлмиш диний олимларики Аллоҳнинг каломини эшитиб, уни тушуниб етгандан сўнг, билиб туриб бузсалар, қолганлари нима ҳам қилар эди.

Таврот бузилганлигини бошқа дин вакиллари ҳам, ҳозирги замон илми ҳам тасдиқлаган.

Машҳур француз табиби Морис Букай ўзининг дунёга донғи кетган китоби «Таврот, Инжил, Қуръон ва илм»да жумладан, Тавротнинг одамлар томонидан бузилганлиги ҳақида қуйидагиларни ёзади:

«Мана шулардан «Эски аҳд»га инсон ўзидан қўшган нарсалар қанчалар катта ҳажмда экани билиб олинади. Бу билан ўқувчи кўчиришлар ва таржималар асносида «Эски аҳд»га нималар етганини билиб олиши осон. Мазкур тузатишлар икки минг йил давом этган.

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди